

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1493-ҳадис

A decorative horizontal bar consisting of a series of small, evenly spaced rectangles.

A horizontal row of 20 small, identical rectangular blocks, likely representing a sequence of data or a specific pattern.

35-дарс

Аллоҳ таолонинг зикрига тўпланишнинг фазилати

Аллоҳ Таоло: «Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорларининг юзини - розилигини истаб, Унга илтижо қиласидиган зотлар билан бирга тутинг! Кўзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб (ўзга ахли дунёларга бокмасин). (Кахф сураси,28-оят) деб айтган.

1. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расуллұқ соллаллоғу алайхі васаллам:

«Аллоҳнинг зикр аҳлини қидириб, йўлларда айланиб юрадиган фаришталари бор. Агар бирорта зикр қилаётган қавмни топиб қолишса, «Излаган нарсаларингизга келинглар!» деб бир-бирларини чақиришади. Кейин улар буларни (зикр қилаётганларни) қанотлари билан дунё осмонигача ўраб олишади. Робблари Ўзи улардан яхши билса ҳам: «Бандаларим нима дейишияпти?» деб сўрайди. Улар: «Сенга тасбех, такбир ва ҳамд айтишияпти, Сени улуғлашияпти», дейишиади. У Зот: «Улар Мени кўришганми?» дейди. Улар: «Аллоҳга қасамки, йўқ, улар Сени кўришмаган», дейишиади. У Зот: «Агар Мени кўрганларда, қандай бўлар эди?» дейди. Улар: «Агар Сени кўрганларида, Сенга янада қаттиқроқ ибодат қилишар, Сени янада қаттиқроқ улуғлашар ва Сенга янада кўпроқ тасбех айтишар эди», дейишиади. У Зот: «Улар Мендан нима сўрашияпти?» дейди. Улар: «Жаннатни сўрашияпти», дейишиади. У Зот: «Улар уни кўришганми?» дейди. Улар: «Аллоҳга қасамки, йўқ. Эй Роббимиз, улар уни

кўришмаган!» дейишади. У Зот: «Агар уни кўрганларида, қандай бўлар эди?» дейди. Улар: «Агар улар уни кўрганларида, унга янада ҳарисроқ, янада қаттироқ интилувчан ва янада кўпроқ рағбатли бўлишар эди», дейишади. У Зот: «Улар нимадан паноҳ сўрашяпти?» дейди. Улар: «Жаҳаннамдан», дейишади. У Зот: «Улар уни кўришганми?» дейди. Улар: «Аллоҳга қасамки, йўқ. Улар уни кўришмаган», дейишади. У Зот: «Агар уни кўрганларида, қандай бўлар эди?» дейди. Улар: «Агар уни кўрганларида, ундан янада қаттироқ қочган ва қаттироқ қўрқган бўлишарди», дейишади. У Зот: «Сизларни гувоҳ қилиб айтаманки, Мен уларни мағфират қилдим», дейди. Бир фаришта: «Уларнинг ичида фалончи ҳам бор, ўзи улардан эмас, бир юмуш билан келган, холос», дейди. У Зот: «Улар шундай суҳбатдошларки, уларнинг суҳбатдоши ҳам баҳтсиз бўлмайди», дейди».

Муттафакун алайҳ.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятларида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта Аллоҳ Таолонинг сайёратун фузало номли (яъни, ерда саёҳат қилувчи) фаришталари бўлиб, улар зикр қилинувчи мажлисларни ахтариб юришади. Агар зикр қилинаётган мажлисни топишса, улар билан бирга ўтиришади. Бир-бирларини қанотлари билан ўраб, зикр қилувчилар ўтирган мажлис билан осмон ўртаси фаришталарга тўлиб кетади. Қачонки мажлис аҳли тарқалиб кетишича, фаришталар ҳам осмонга кўтарилишади. Аллоҳ азза ва жала билиб туриб: «Қаердан келдинглар?» деб сўрайди. Фаришталар: «Ердаги бандаларинг хузуридан. Улар сенга тасбех, такбир, таҳлил ва ҳамд айтиб, Сендан (ҳожатларини) сўрашмоқда», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Мендан нимани сўрашмоқда?» деса, фаришталар: «Жаннатингни сўрашади», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Жаннатимни кўришганми?» деса, фаришталар: «Йўқ, эй Рабб», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Агар жаннатимни кўришса қандай бўлар эди?» дейди. Яна фаришталар: «Сендан паноҳ сўрашмоқда», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Нимадан паноҳимга қочишади?» дейди. Фаришталар: «Эй Рабб дўзахингдан», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Дўзахимни кўришганми?» дейди. Фаришталар: «Йўқ», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Агар дўзахимни кўришса, қандай бўлар эди?» дейди. Фаришталар: «Истиғфор айтишади», дейишади. Аллоҳ Таоло: «Мен уларнинг гуноҳларини кечирдим, сўраган нарсаларини бердим. Паноҳ тилаган нарсаларидан, паноҳ бердим», дейди. Фаришталар: «Эй Роббим уларнинг ичида хатокор фалончи бир банда бордир. У аҳли зикрлар олдиларидан ўта туриб, улар билан бирга ўтириб қолди», дейишса, Аллоҳ Таоло: «Унинг ҳам гуноҳларини кечирдим, чунки бу жамоа билан ўтирган одам бадбаҳт бўлмайди», дейди», дедилар».

Манба: hadis.islom.uz

